



2018 йил 31 май

№ РС-30-18

Тошкент шаҳри

“Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларининг корпоратив ҳисоблаш тармоғи тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларининг корпоратив ҳисоблаш тармоғидан ва унинг ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларининг корпоратив ҳисоблаш тармоғи тўғрисида”ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Олий суд Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ҳамда жойлардаги судларнинг ушбу соҳага масъул ходимлари ўз иш фаолиятини мазкур Низом талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда ташкиллаштирсин.

3. Олий суд Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) тасдиқланган режа асосида видеоконференцалоқа режимидан фойдаланган ҳолда мазкур Низом мазмун ва моҳияти юзасидан судья ва суд ходимларига ўқув-семинар машғулотларини ташкил этсин.

4. Олий суд таркибий тузилмалари раҳбарлари, жойлардаги судлар раислари мазкур Низом талабларига судья ва суд ходимлари томонидан тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш ҳамда корпоратив ҳисоблаш тармоғи ресурсларидан хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик чораларини кўрсинлар.

5. Мазкур қарор Олий суд таркибий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига ва улар орқали барча туманлараро, туман (шаҳар) судларига ижро учун юборилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Олий суд раисининг ўринбосари Б.Исаков зиммасига юклатилсин.

Олий суд раиси

К.Камилов

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларининг корпоратив
ҳисоблаш тармоғи тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларининг корпоратив ҳисоблаш тармоғи (бундан буён матнда корпоратив тармоқ деб юритилади) тармоқ ахборот ресурсларининг ўзаро боғланиши учун яратилган техник комплекс ҳисобланади.

2. Корпоратив тармоқ фойдаланувчиларга ташқи тармоқларга чиқиш имконини беради.

3. Корпоратив тармоқ – ходимларни ахборотлар билан ишлашини таъминлайдиган ахборот ресурсларининг (серверларнинг), шу жумладан электрон ҳужжат айланиш тизимининг самарали ишлаши учун техник асос ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларининг корпоратив ҳисоблаш тармоғи тўғрисидаги Низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) корпоратив тармоқнинг ишлаш тартиби ва қоидаларини, шунингдек тармоқ администратори ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилайди.

II. Корпоратив тармоқнинг мақсади ва вазифалари

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларининг корпоратив тармоғи бошқарув тизимининг ажралмас қисми бўлиб, замонавий ахборот технологиялари асосида бошқарув вазифаларини ҳал қилиш учун мўлжалланган. Жумладан, қуйидаги асосларга кўра қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштиради:

- Олий суд таркибий тузилмалари ўртасида тезкор маълумот алмашиш;
- Олий суд ва судлар ўртасида тезкор маълумот алмашиш;
- тармоқнинг умумий ахборот ресурсларидан фойдаланиш;
- бошқа глобал тармоқ (Интернет) маълумотларига ягона корпоратив тармоқ орқали кириш;
- электрон почтадан фойдаланиш;
- маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқининг турли даражаларига эга бўлган марказлаштирилган маълумотлар омборини ташкил қилиш;
- маълумотлар ўзгаришини кузатиб бориш.

III. Корпоратив тармоқ таркиби

6. Корпоратив тармоқ ускуналарининг, дастурий таъминотларнинг, тармоқ ҳамда тармоқлараро ўзаро ишлаш параметрларининг асосий таркибий қисмларини ҳосил қилади:

серверлар: файллар, маълумотлар базаси, иловалар, почта, архив, масофавий боғланиш, чоп этиш;

телекоммуникация инфратузилмаси: кабеллар, улаш учун мўлжалланган қурилмалар, фойдалниш имкониятини кенгайтириш (ва чеклаш) мосламалари;

керакли тармоқ адаптерларига эга иш станциялари;

ахборотларни такрорлаш ва сақлаш тизимлари;

серверларни ва иш станцияларини узлуксиз қувват билан таъминлаш тизимлари;

ахборот инфратузилмаси: операцион тизимлар, тармоқ ва тармоқлараро ўзаро ишлаш протоколлари, коллектив киришга мўлжалланган дастурий таъминотлар, иш станциялари учун дастурий таъминотлар.

IV. Корпоратив тармоқни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни ташкил этиш

7. Корпоратив тармоқни ишга тушириш ва кенгайтириш билан боғлиқ барча масалалар тизим администратори томонидан ҳал этилади.

8. Серверларни бошқариш тизим администратори томонидан амалга оширилади.

9. Серверларни ёки иш станцияларини технологик мақсадларда ўчириб туриш фақат тизим администратори томонидан ушбу серверларнинг ёки иш станцияларининг барча фойдаланувчиларини олдиндан хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

10. Тармоқнинг телекоммуникацион каналларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш Олий суднинг мутлақ ваколати ҳисобланади.

11. Иш станцияларини тармоққа улаш тизим администратори ёки Олий суднинг ваколатли техник мутахассислари томонидан тегишли таркибий тузилмаларнинг талабномалари асосида амалга оширилади.

12. Ташқи тармоққа уланиш мақсадида иш станциясига модемлар ва бошқа қурилмаларни улаш тақиқланади. Бундай уланишлар истисно тарзида ахборот хавфсизлигига масъул бўлган ходим билан келишилган ҳамда мазкур иш станцияларини назоратга олган ҳолда тизим администратори томонидан амалга оширилади.

13. Тармоқни тўғри ишлаши учун фойдаланувчилар иш станциялари операцион тизимларини сошлаш тизим администратори томонидан амалга оширилади.

14. Мустақил равишда ёки бегона шахслар томонидан иш станциялари конфигурацияларини ўзгартириш, тизим созламаларини

ўзгаришига олиб келувчи янги дастурий маҳсулотлар ва аппарат воситаларини ўрнатиш ишларини тизим администратори ва ахборот хавфсизлигига масъул ходимнинг иштирокисиз амалга ошириш тақиқланади.

15. Тармоқ фойдаланувчисини тармоқ ресурсларидан узиб қўйиш, мазкур фойдаланувчини хабардор қилган ҳолда амалга оширилади

16. Тармоқ фойдаланувчилари томонидан бегона шахсларга тармоқ қисмларининг созламалари ҳақидаги барча турдаги маълумотларни (фойдаланувчилар номларини – логинларини, паролларини ва ҳ.к.) бериш тақиқланади.

17. Фойдаланувчилар томонидан ўзларининг ёки бошқаларнинг фойдаланиш ҳуқуқларини тизим администратори рухсатсиз кенгайтиришлари тақиқланади.

18. Тизим администратори билан келишилмаган ҳолда иш станциялари жойлашган жойни ўзгартириш тақиқланади.

V. Корпоратив тармоқ ахборот хавфсизлиги

19. Корпоратив тармоқнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш қуйидаги мақсадлар учун зарур:

тармоқнинг дастурий ва ахборот ресурсларига зарар, зиён (бутунлай йўқ қилиш, ишдан чиқариш) етказишга уриниш ёки уларга рухсатсиз кириш ҳолатларидан ҳимоя қилиш;

тармоқ фаолиятининг ва унинг техник таъминоти қисмларининг бузилиши ҳолатларида тармоқ ахборот ресурсларини сақлаб қолиш;

ахборот хавфсизлиги соҳасига тааллуқли Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонуности ҳужжатлари талабларини бажариш.

20. Тармоқнинг ахборот хавфсизлиги қуйидагилар орқали таъминланади:

тармоқнинг дастурий ва ахборот ресурсларига зарар, зиён етказишга уринишлардан ёки уларга рухсатсиз киришлардан техник, дастурий ва ташкилий ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш;

тармоқнинг ахборот ресурслари бутлигини таъминлаш мақсадида захира нусхалашдан фойдаланиш;

зарарли ахборотларни аниқловчи ва уларга киришни блокировка қилувчи аппарат-дастурий таъминотлардан фойдаланиш;

тармоқнинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш чегараларини белгилаш чораларини кўриш.

VI. Корпоратив тармоқ фойдаланувчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

21. Белгиланган тартибда фойдаланувчи сифатида рўйхатдан ўтган шахслар тармоқ фойдаланувчилари ҳисобланадилар. Рўйхатга олишда ҳар бир фойдаланувчига исм, пароль ва тегишли иш жойи берилади.

22. Тармоқ фойдаланувчиларининг мажбуриятлари куйидаилардан иборат:

тармоқдан ва глобал тармоқдан хизмат вазибалари билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланмасликка;

тармоқнинг ахборот ва техник ресурсларидан тижорат мақсадларида фойдаланмасликка;

тармоқнинг ахборот ва техник ресурсларига эҳтиётсизлик (харакат ёки ҳаракатсизлик) оқибатида зиён етказиш ҳолатларини келтириб чиқармасликка;

корпоратив тармоқ орқали фойдаланиладиган ахборот ресурсларига ва глобал тармоқларга рухсатсиз киришга уринмасликка;

бошқа манбалардан олинган файлларни очишдан ёки фойдаланишдан аввал уларни антивирус дастури ёрдамида текшириб олишга.

23. Корпоратив тармоқ фойдаланувчиларига куйидагилар тақиқланади:

тармоқни сканерлаш дастурларидан ахборот хавфсизлигига масъул ходимни ёзма равишда огоҳлантирмасдан ёки тизим администраторини мазкур ҳаракатларни бажариш зарурати мавжудлиги ҳақида тушунтириш бермасдан фойдаланиш;

тармоқ администраторини хабардор қилмасдан туриб қўшимча тармоқ протоколларини ўрнатиш, тармоқ протоколи созламаси конфигурацияларини ўзгартириш;

тармоқ орқали видео ва фото файлларни томоша қилиш. Хизмат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно;

электрон почта орқали катта ҳажмдаги файлларни (музиқа, видео, фото) юбориш. Хизмат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно;

текширилмаган, номаълум манбалардаги ёки бошқа ташувчи қурилмалардаги файлларни аввал компьютер каттиқ дискига сақлаган ҳолда антивирус дастурида текширмай туриб очиш ва ишга тушириш;

ходимнинг хизмат фаолиятига тааллуқли бўлмаган файлларни (ўйинлар, фото, видео, виртуал CD ва ҳ.к.) тармоқнинг умумий дискларида сақлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид маълумотларни ўз ичига олган сайтларга кириш ва ушбу сайтларга ҳаволаларни тарқатиш;

Интернет тармоғида пул ишлаш учун мўлжалланган дастурлардан фойдаланиш;

ходимнинг хизмат фаолиятига тааллуқли бўлмаган музиқа, видео ва фото файлларни юклаб олиш ва тарқатиш.

VII. Якуний қоидалар

24. Тармоқ фойдаланувчиси мазкур Низомда белгиланган талабларга риоя қилишга шахсан масъул.

25. Ахборот хавсизлигига масъул ходим ёки тизим администратори мазкур Низом талаблари бузилган ҳар бир ҳолат юзасидан раҳбариятни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

26. Мазкур Низом талабларини мунтазам равишда бузган фойдаланувчилар рўйхатга олинган иш жойи корпоратив тармоқдан узиб қўйилади.

27. Мазкур Низом талабларига амал қилинмаган тақдирда, айбдор шахсларга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин.